КПСС XXII СЪЕЗДИНИНГ ЧАҚИРИЛИШИ МЕҲНАТКАШЛАР ОММАСИНИНГ ҒАЙРАТИГА ҒАЙРАТ ҚЎШДИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 10 (11759). | Пайшанба, 12 январь, 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1961 йил 11 январда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирди.

Пленум эрталабки мажлисда 1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш давлат планининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақида РСФСР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Д. С. Полянский ва Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. В. Подгорнийнинг докладларини тинглади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

КПСС XXII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ!

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ, «ЎЗБЕКУГОЛЬ» КОМБИНАТИ, ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ, СТАЛИН НОМИДАГИ ЧИРЧИҚ ЭЛЕКТРОКИМЕ КОМБИНАТИ, «ТАШСЕЛЬМАШ» ВА «ТАШКЕНТКАБЕЛЬ» ЗАВОДЛАРИ, ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ ВА АНДИЖОН ЕҒ КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТИ, ҚУРИЛИШИ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА КОРХОНАЛАРИНИНГ БАРЧА ИШЧИЛАРИГА ВА ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИГА ҲАМДА ХИЗМАТЧИЛАРИГА,

М У Р О Ж А А Т И

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи, «Ўзбекуголь» комбинати, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, И. В. Сталин номидаги Чирчиқ электрокимё комбинати, «Ташсельмаш» ва «Ташкенткабель» заводлари, Тошкент тўқимачилик комбинати ва Андижон ёғ комбинати коллективларининг етти йилликнинг учинчи йили — 1961 йил давлат планини муддатидан олдин бажариш юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисида республикадаги саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарининг барча ишчиларига, инженер-техник ходимларига ҳамда хизматчиларига қарата чиқарган Мурожаатини маъқуллади.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига, маҳаллий саноат Бош бошқармаси, Ўзбекистон касаба союзлари Совети ҳамда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига илғор корхоналарнинг коллективлари Мурожаатини қўллаб-қувватлаш тавсия этилди.

КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига етакчилик қилиш топширилди.

Партия XXI съезди тарихий қарорларини амалга ошираётган социалистик индустрия меҳнаткашлари 1960 йил планини муваффақиятли якунладилар. Ўзбекистон саноати ходимлари ҳам йиллик планни 19 декабрдаёқ бажариб, ажойиб меҳнат ғалабаларини қўлга киритдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мамлакат экономикасини ривожлантиришдаги юқуқларимиз учун изҳор қилган қизғин миннатдорчилик сўзлари Улуғ Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари каби бизни ҳам беҳад қувонтирди.

1961 йилнинг октябрь ойида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси навбатдаги XXII съездини чақириш тўғрисидаги хушхабар бутун мамлакатимизга тез тарқалди. Бундай ажойиб воқеаларни меҳнат ғалабалари билан кутиб олиш совет кишиларига анъана бўлиб қолган.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXII съездини чақириш тўғрисидаги қароридан руҳланиб, биз ўз зиммамизга янги социалистик мажбурият оламиз ва 1961 йилнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ давлат топшириқларини бажаришгина эмас, балки ошириб бажариш имконини берадиган суръатлар билан ишлашни ўзимизнинг биринчи даражали бурчимиз ва вазифамиз деб ҳисоблаймиз.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми ишлаб турган шу кунларда биз республикамиз саноати, қурилиши, транспорти ва алоқа ишчиларига, инженерларига ва техникларига ҳамда хизматчиларига мурожаат қилиб, етти йилликнинг учинчи йили планини муддатидан олдин бажариш учун, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни қўпайтириш учун цехлар ва корхоналар, агрегатлар ишидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун, техникани тараққий эттириш суръатларини тезлаштириш учун ва энг муҳими меҳнат унумдорлигининг юксак бўлишини таъминлаш учун КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани янада қизитишга чақирамиз.

Корхоналаримизнинг ходимлари ички имкониятларни, ишлаб чиқариш резервларини ҳисоблаб чиқиб, 1961 йилда ўз зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни оладилар.

ЛЕНИН НОМЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ БЎЙИЧА

1961 йилнинг илк кунларидан бошлаб, коммунистик меҳнат корхонаси деган шарафли ном учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиш; ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 25 декабргача бажариш. Меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқни 1,2 процент ортиғи билан бажариш; мартен печлари тубининг ҳар бир квадрат метр сатҳидан олинадиган пўлатни 9,5 тоннага етказиш, навли «300» станнинг ҳар соатидаги ўртача унумдорлигини ошириш.

Техникани тараққий эттириш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга ошириш ишларини авж олдириш; узлуксиз пўлат қуйиш установкасини ишга туширишга, биринчи ва иккинчи печларни янги пўлат қуйиш тележкаси ва ҳажми кенгайтирилган чўмич билан ишлашга ўтказиш, мартен ва иситиш печларини, шунингдек буғ қозонларини табиий газ билан ишлашга қўчириш. Тунука стани машина залини автоматлаштириш. 500 минг киловатт-соат электр қувватини тежаш имконини берадиган тадбирларни амалга ошириш.

«ЎЗБЕКУГОЛЬ» КОМБИНАТИ БЎЙИЧА

Кўмир қазиб чиқариш планини 22 декабргача бажариб, қўшимча 100 минг тонна ёқилғи бериш, кон устини очиш ишлари топшириғини 25 декабргача бажариш ва белгиланганидан 200 минг кубометр кўп тупроқ-шағал ишларини адо этиш, ҳар бир ишчининг меҳнат унумдорлигини ошириш планини 2 процент ортиғи билан бажариш, кўмирнинг таннархини камайтириш ҳисобига 100 минг сўм маблағни тежаш.

Кўмир разрези забойларидаги «РТ-60» маркали транспортёрларни анча қувватли агрегатлар билан алмаштириш, 9-шахта асосий юк чиқариш стволининг юк туширишмосламасини автоматлаштириш, 4 та конвейер линиясини автомат равишда бошқаришга ўтказиш. Рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан 100 минг сўм тежаш.

ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ БЎЙИЧА

Ялпи ва товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш планини 25 декабргача бажариш, меҳнат унумдорлигини 1,5 процент ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пландагидан 47,7 минг сўм камайтириш.

Ишлаб чиқаришдаги нефть ва нефть маҳсулотлари чиқитларини планда белгиланганидан 1,5 минг тонна камайтириш, электр қувватини сарфлашни нормадагидан 540 минг киловатт соат қисқартириш. 300 ишчини тайёргарликдан ўтказиш, 250 ишчи ва инженер-техник ходимнинг малакасини ошириш ва иккинчи касбга ўргатиш. Рационализаторлик таклифларини жорий этиб, 270 минг сўм фойда олиш.

СТАЛИН НОМЛИ ЧИРЧИҚ ЭЛЕКТРОКИМЕ КОМБИНАТИ БЎЙИЧА

1961 йилда коммунистик меҳнат корхонаси деган шарафли номни олиш. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 25 декабргача бажариш. Меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан бир ярим процент ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 100 минг сўм тежаб қолиш. Нормадан ташқари 1 процент электр қувватини тежаб қолиш.

(Охири иккинчи бетда)

Н. Меламед чизган сурат.

«Ташкенткабель» заводида КПСС Марказий Комитети Пленумининг КПСС нинг навбатдаги XXII съездини чақириш тўғрисида қабул қилган қарорига бағишланган митинг бўлиб ўтди. СУРАТДА: митинг пайти. Куйбишев район партия комитетининг секретари А. Тахтаров сўзламоқда.

А. ГОРОКРИК фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛАРИ СЪЕЗД ОЛДИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

11 январда Тошкент тўқимачилик комбинатида ишчилар, хизматчилар ва инженер-техник ходимларининг кўп минг кишилик митинги бўлди. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг партиянинг навбатдаги, XXII съездини чақириш тўғрисидаги қарорини бу ерга тўпланганлар зўр диққат-эътибор билан тингладилар.

Иккинчи тўқув фабрикасининг мастери Н. Искандарова минбарга чиқади. У бундай дейди:

— Биз, тўқимачилар Пленумнинг партиянинг навбатдаги, XXII съездини чақириш тўғрисидаги қарорини қизғин табриклаймиз. Бу съездда Совет Иттифоқи халқи босиб ўтган шонли йўлга якун ясалиб, янги зафарларга эришиш йўллари белгилаб берилади.

Коллективимиз КПСС XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлашга ва йиллик топшириқдан ташқари 300 минг метр газлама тўқиб чиқариш, тўққиз тонна ип-калавани тежаш, меҳнат унумдорлигини 1,5 процент оширишга аҳд қилди. Ўзим раҳбарлик қилаётган смена коллективи эса, ўз олдига съездга қадар коммунистик меҳнат сменаси деган фахрли номга сазовор бўлиш вазифасини қўйди.

Йигирувчи Н. Козлова ўз сўзида бундай деди:

— Йигирувчиларимиз партиянинг навбатдаги съезди шарафига ўз зиммаларига етти йилликнинг учинчи йили топшириғини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари ўн беш тонна ип-калава чиқариш мажбуриятини оладилар.

Митингда раклист Б. Зокиров, ип йигирув фабрикасининг ишчиси Р. Юсуфбекова, комбинат директори З. Абдуллаевлар сўзга чиқдилар.

Митинг қатнашчилари 1961 йил учун яқдиллик билан юксак социалистик мажбурият қабул қилиб, бу мажбуриятни КПСС Марказий Комитетининг ҳозир ўз ишини давом эттираётган Пленуми номига ёзилган мактубда баён қилдилар. Мактубда айтиладики, Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўп минг кишилик коллективи Коммунистик партиянинг ленинча доно сиёсатини яқдиллик билан маъқуллайди ва социалистик Ватанимиз шон-шуҳратини оширишга тайёрдир. Тўқимачилар етти йиллик учинчи йили программасини муддатидан илгари бажаришга ва пландан ташқари 1 миллион 500 минг метр тайёр газлама, 500 минг метр хом сурп, кўпгина миқдорда ип ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

...Митинг тамом бўлади. Неча минглаб ишчилар ўз станоклари ва машиналари ёнида туриб ишлай бошлайди. Тошкент тўқимачилари КПСС XXII съезди шарафига биринчи меҳнат вахтасини бошлаб юбордилар. (ЎзТАГ).

ЧЕКСИЗ ХУРСАНДМИЗ

Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг раиси ўртоқ С. Очилов суҳбатда бундай деди:

— Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXII съездини чақириш тўғрисидаги хабар колхозчи ва механизаторларни чексиз қувонтириб, уларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини ошириб юборди. Коммунистлар, газета олишлари билан дарҳол агитаторлар ва қишлоқ зиёлилари бу хушхабарни оммага етказдилар.

Биз ҳамқишлоғимиз донгдор механизатор Турсуной Охунова партиямиз Марказий Комитетининг Пленумида иштирок этаётгани билан фахрланамиз. Мамлакатга йилдан-йилга тобора кўпроқ пахта ва чорва маҳсулотлари етиштириб бераётган колхозчиларимиз партиямизнинг XXII съездини муносиб кутиб оладилар.

КАТТА ТАРИХИЙ ВОҚЕА

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари КПСС XXII съездини чақириш тўғрисидаги хушхабарни зўр қувонч ва юксак қўтаринкилик билан кутиб олдилар. Шу муносабат билан кеча завод ҳовлисида кўп кишилик митинг бўлди.

Митингда сўзга чиққан пўлат эритувчи С. М. Зверев КПСС XXII съездининг чақирилиши тўғрисидаги хабар завод коллективини ғоят қувонтиргани ва янги меҳнат зафарлари сари руҳлантиргани ҳақида ҳаяжонланиб гапирди.

Съезд шарафига социалистик мусобақа ҳозирданоқ қизиб кетди. Съезд очиладиган кунгача Ўзбекистон металлурглари мамлакатга пландан ташқари бир неча минг тонна пўлат эритади.

Прокат цехининг илғор ишчиси Сайфулла Денгизбоев прокат цехи коллективи номидан гапириб, прокат цехининг ишчилари съезд очиладиган кунгача мамлакатга пландан ташқари бир неча минг тонна прокат етказиб бериш мажбуриятини оламиз. Бу эса, жонажон Коммунистик партия съездига бизнинг совғамиз бўлади, деди.

Митингда сўзга чиққан завод темир йўл цехи депосининг слесари Г. И. Кузьмин ҳамкасбларининг фикрини маъқуллаб, съезд шарафига бошланган социалистик мусобақанинг олдинги сафларида боришга аҳд қилганини айтди.

Ўзбекистон металлурглари яқдиллик билан резолюция қабул қилиб, партиянинг навбатдаги съезди очиладиган кунгача пландан ташқари бир неча минг тонна пўлат эритиш ва прокат етказиб бериш мажбуриятини олдилар ва бу оширилган мажбуриятнинг муваффақият билан бажарилишига тўла ишонч билдирдилар.

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИНИНГ БИРЛИГИ ВА МОНОЛИТ ЖИПСЛИГИ ЕНГИЛМАСДИР

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВИ ИЙҒИЛИШЛАРИДА

ТОШКЕНТ

9 январда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Тошкент область партия активининг коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Москва Кенгашининг якунларига бағишланган йиғилиши бўлди.

Йиғилиш қатнашчилари содиқ ленинчи, тинчлиқ ва халқларнинг бахт-саодати учун буюк курашчи Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитети Президиумини якдиллик билан фахрий президиумга сайлайдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. А. Абдураззоқов коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг якунлари тўғрисида доклад қилди.

Музокараларда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари И. Р. Арнаутов, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Г. Хван, Тошкент область комсомол комитетининг секретари У. Абдураззоқов, Ўзбекистон металлургия заводи прокат цехи партия бюросининг секретари Ю. Тарасов, Қуйи Чирчиқ район партия комитетининг секретари И. Сотиболдиев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Кенгаш томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг тарихий аҳамиятини таъкидлаб, область коммунистлари ва меҳнаткашларининг коммунистик жамият қуришда янгиданянги муваффақиятларни қўлга киритишга, ўз меҳнати билан социалистик лагерь монолит бирлигини мустаҳкамлашга қатъий қарор берганликлари ҳақида гапирдилар.

Партия активи йиғилиши қабул қилган резолюцияда коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг якунларини қизғин маъқуллади.

Йиғилиш қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

АНДИЖОН

Андижон область партия ташкилоти активи йиғилишида мингдан ортиқ коммунист қатнашди.

Йиғилиш қатнашчилари ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Президиумини гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайладилар.

Коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Москва Кенгашининг якунлари тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева доклад қилди.

Докладчи ва музокарада қатнашган Наманган шаҳар партия комитетининг секретари Йўлдошев, «Андижон» нефть кони партия ташкилотининг секретари Голов, Андижон шаҳар партия комитетининг секретари Ашуров, область касаба союзлари Советининг раиси Абдуллаев, мой-ёғ комбинати партия бюросининг секретари Лавренова, область партия комитетининг секретари Эгамбердиев ва бошқа ўртоқлар Москва Кенгаши халқаро коммунистик ҳаракат бирлиги ва ҳамжиҳатлигининг янада мустаҳкамланганлиги ва ўсганлигининг ёрқин намойишига айланганлигини уқтириб ўтдилар.

Партия активи йиғилиши якдиллик билан қабул қилган резолюцияда Москва Кенгаши якунларини батамом ва тўла маъқуллади ва Андижон область коммунистлари, барча меҳнаткашлари коммунистик қурилиш вазифаларини янада ғайрат билан амалга оширадилар деб КПСС Марказий Комитетини ишонтирди.

* * *

Самарқанд ва Бухоро область партия ташкилотлари активининг коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Самарқанд область партия ташкилоти активи йиғилишида область партия комитетининг секретари Ф. М. Прасс ва Бухоро область партия активи йиғилишида область партия комитетининг секретари Н. И. Белоусов доклад қилдилар.

Самарқанд ва Бухоро область партия ташкилоти активи йиғилишининг қатнашчилари коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Москва Кенгаши якунларини, бу кенгашда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг фаолиятини якдиллик билан маъқулладилар. Самарқанд, Бухоро область партия ташкилотлари коммунистик қурилиш вазифаларини бундан кейин ҳам зўр ғайрат билан бажарадилар деб КПСС Марказий Комитетини ишонтирдилар.

Украина ССР, Кировоград область, Гайворон шаҳридаги Южний Буг дарёсида райониараро гидроэлектростанция қурилмоқда. Қурилишда йирма темирбетондан кенг фойдаланилмоқда. Янги ГЭС 1962 йилда электроэнергия бера бошлайди. СУРАТДА: гидроэлектростанция қурилишида.

Г. Верушкин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ҚАРЗГА БУЮМЛАР

Нукус шаҳар матлубот жамиятининг 70-саноат моллари магазинида янги эълон пайдо бўлди: бу ерда моллар қарзга сотилади.

Савдонинг янги усули меҳнаткашларни мамнун қилди. Мана, давлат банкининг кассири С. А. Уварова эҳтиёт билан ўралган Латвия радиоласини сотувчининг қўлидан олади.

— Бизнинг уйдагиларнинг ҳаммаси музикани яхши кўришади. Болалар билан маслаҳатлашиб, радиола олмоқчи бўлдик,—дейди у. Бу қарсани кредитга олиш мумкин бўлганлиги жуда яхши бўлди. Савдонинг бу усули меҳнаткашларга жуда қулайдир.

... Куёв-келин қандай радиоприёмник сотиб олишни маслаҳатлашишади. Куёв: «Олгандан кейин энг яхшисини олиш керак» дейди. Олти ой ичида қарзни тўлаб битириш унча сезиларли бўлмайди.

— «Балтика»ни оликлар, — деб маслаҳат беради магазин мудири Реймибой Дилмуротов, — янги чиққан энг яхши приёмниклардан бири.

70-магазинда кредитга мол сотилабошлагандан бери бир йил вақт ўтди. Бир йил ичида бир ярим миллион сўмликдан кўпроқ турли нарсалар сотилди. Автоном республика пойтахтининг аҳолиси юздан кўпроқ приёмник, 600 га яқин велосипед, 40 дан ортиқ мотоцикл ва мотороллер сотиб олди.

И. МАДГАЗИН.

Аптекачилар малака оширишди

Республикамизнинг дорихоналарида ҳамда кимё лабораторияларида ишловчи провизорлардан бир группаси республика врачлар малакасини ошириш институти қошида ташкил этилган махсус бўлимда ўз малакаларини оширдилар. Улар профессор З. М. Уманский раҳбарлигида фармацевтика фанининг ютуқлари, аптека ишлаб чиқаришидаги янгиликлар билан танишдилар.

М. УСМОНОВ.

ҚУРУВЧИ АЁЛЛАР

Замонамиз Қаҳрамонлари

«Озодаликкa нима етсин-а, — деб ўйлади Олия опа.—Энди ўтинкўмир уйга кирмайди. Вақти келиб яхшидан кўра яхши, янгиси чиқиб турар экан. Бу уйга шифт баравар печлар ўрнатилганига ҳали ҳеч вақт бўлгани йўқ. Мана энди янгиси. Ҳали сал вақт ўтмай, бу пар печлар ўрнини газ печкалар эгаллайдими?»

Олия опа эски печкалар ўрнидан тушган полдаги ганч тупроқ, лой, ғишт парчаларини йиғиб челакка солар экан, қўлига бир чети сал учган ғишт тушди. «Нега бут-бутун ғиштни олмай ахлатга қўшиб қўйишибди, пули қуйган бўлса-ку қадрига етарди-я, куймаган-да, давлат нарсасига ачинмайдиган одамлар бор ҳали...»

Олия опа, бир қўлига челакни, бир қўлига ғиштни олиб зинадан пастга туша бошлади. У синган ғиштга қараб пичирлади:

Синса кўнгил ойнаси тадбир ила бўлмас бутун
Устихон эмаски ул, соз айласа мўмиё.

У ҳозир синиқ ғиштни нега кўнгилга таққослади экан? Нималарни эслади бу аёл, ўзи ким?..

Олия опа қўлидаги ғиштни тўдалоғлиқ бутун ғиштлар ёнига қўйди-да, челакдаги тупроқни тўккани чуқур томон юрди. Унинг бугунги иши шу — ремонтдан чиққан хоналарни тозалаш. Эҳтимол, пешиндан кейин нариги, синглиси Қимматхон, қизи Шарифа, жияни Муборакларнинг ишлаётган участкага ўтса.

Олияхонлар онадан уч қиз, бир ўғил қолишди. Тўнғич фарзанд бўлганидан ука ва сингилларига бош бўлиш Олияхоннинг зиммасида эди. У даврлар ўтиб кетди. Лекин ҳали-ҳали уларнинг ғами ғўзғор ташвиши Олия опа зиммасида, оилага ҳали ҳам у бош. Эсида: Олияни узатдилар. Эр нобод чиқди. У тишини-тишига қўйиб бетавфиқ эр билан ўн олти йил турмуш қилди. 33-йилмиди, аниқ эслаёлмайди, Олияхон, «Красная заря» фабрикасининг Чорсўвдаги филиалига кириб ишлади — тикувчилик қилди. Иш билан овиниди. Бефарзандлиги билинмади. Кейинги турмуши бузилди. Шу-шу эрини ёдламади...

Олия опа бир кун Ўқчи маҳалласидаги болалар уйига йўл олди. У ердан Шарифа исмли уч яшар оппоқгина қизчани бола қилиб олди. Олия Раҳматуллаеванинг ҳаёт бўстонида қизчаси Шарифа Раҳматуллаева чечак очди. Бир қушчага ҳам сув керак ҳам дон. Олия опа ишлаб йинган, тўплаб тўккан пулига ҳовли олди. Эскини ямаб эсинг кетади деганларидек, лой томдан чакка ўтавериб Олия опани роса эсанкиратди. Бироқ у ҳам бўш келмади. Қурби етганича лой, тупроқ чангаллади.

— Танимда жоним, белимда қувватим бор — ишлайман, муҳтажликдан шу асрайди, — деди.

У Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли қурилиш конторасига бориб ариза берди. Мана ўн йил бўладики, Олия опа ишчи-қурувчи.

Олия опанинг синглиси Қимматхон опасига ёрдамлашиш учун тез-тез келиб турар эди. Бу фаросатли, чаққон аёлни ҳам опаси ёнига ишга олдилар. Қимматхон бағрига келгунча бировларникида ишлаб туриб яшаш Қимматнинг жонига теккан эди. Қурилишда ишлаб кўзи пишди. Олия опа уни ҳам бағрига олди: ҳовлисининг бир томонига қимматга ҳам уй солди. Қурилиш материалларига эса иш жойидан ёрдам бердилар.

Олия опа билан Қимматхон аёл бошларига ишласалар, иморат қилсалар, уй-жойни бутласалар, ёлғиз қолсалар дарбадар юрса? Опалар уни уйлантириб қўйишди. Бўлмаганга бўлишма деганлардек яна бўлмади. У хотин ва болаларини ташлаб қаёққадир зим бўлди. Икки ёшлик Абдукаримни, 11 ойлик Рустамжонни Олия опа билан Қимматхоннинг ихтиёрига топшириб келин ҳам кетиб қолди. Укаларининг биринчи хотинидан қолган ўғил Абдукарим ҳозир 6-синфда ўқийди. Шундай қилиб, Шарифани ҳисобга олмаганда 3 болага Олия опа билан Қимматхон ҳам она, ҳам ота.

— Болага ташнаман, қанча бўлсалм одам қиламан, — дейди Олия опа.

Олия опанинг ташвиши шу. — Одам қилиш, буюк қурилиш ишларини қилиш. Унинг кўнглини укаси синдирди. У тирик етим қилиб ташлаб кетган кўнглини бутлаш. Қайси бир китобда ёзилган:

«Отаси ташлаб кетган болаларнинг аҳволи жуда кўп ҳолларда етим болалар аҳволидан кўра мураккаброқ ва хавфлироқ бўлади».

Бояги чети учган ғишт Олия опага шуни эслатган эди: «Қариб қоляпман, ҳаёт, керагини олиб турибди.., ғўдакларим...»

Қизи Шарифа-чи? Уни ўйласа Олия опанинг қоронғилашган кўнгли чарақлаб кетади. Ширин орзуумидлари қалбида жавлон уради. Юзида табассум ўйнайди. Ўйлаганларини кўз ўнгида гавдалантириб, ўзи томоша қилади: Шарифа билан жияни Муборакни ўқитади. Шарифа оддий ишчи эди, инженер бўлади.., Мана қатор ҳашаматли бинолар қад кўтарди. «Бу чиройли иморатларнинг устаси ким?» деб сўрашади одамлар. Шунда таниш-билишлар, Олияхоннинг қизлари-да, дейишади. Кейин ҳамма балли, балли, ўстирганига минг раҳмат! — дейди...»

Шарифа тушмагур еттинчи синфни тугатиб «ишлайман» деб туриб олди.

— Кўряпман-ку ойижон, энди жилла бўлмаса ўз-ўзимни эплай. Кўлайишиб қолдик, ёрдамим тегар?

Олия опа рози бўлди.

— Ишласанг ёнимга борасан,— деди.

Шарифа ишлаб ўқиди. Ўтган йили ўнинчи синфни битирди. У яна онасининг айтганини қилди. Бу йилча қурилишда ишлаб туриб, келаси йилга институтга киради.

Олия опанинг қурувчилик касби насл сура бошлади. Яқинда бу бригадага яна бир ишчи қиз кўшилди. Олия опа жияни Муборакни ҳам ёнига тортди. Тўрт опасингил сувоқчилик бригадасининг илғор ишчиларидан. Қиммат билан Шарифа мастер бўлиб, Олия опа билан Муборак оддий ишчи бўлиб ишлайди.

Энди уйда ҳам, ишхонада ҳам раҳбарлик қилиш кўпроқ Қимматхон зиммасида. У, опасини аяйди.

— Умр ғизиллаб ўтаверар экан опа, эллик учга кирибсиз, ишламасангиз бўлармиди? Уйда болаларга бош бўлиб ўтирсангиз..

Олия опа кўнмайди:

— Қимирлаган қир ошар, дунёнинг қизиғи меҳнатда.

Қимматхон Шарифанинг бугунги қилмишидан қойиди.

— Ўлгидай акссан ўзинг. Нега бригадиримиз Сергей Ивановичнинг сўзига кирмайсан?

— Нега сўзига кираман? Ҳамма усталар билан баравар ишлайин-да, ҳақ олишга келганда 3-разряддаги ишчи ҳақини тўласин!

— Бориб начальнигимиз Арушановга гапир. У ҳақиқатпарвар одам.

— Пўқ, у кишига ҳам бориб арз қилмайман.

Шарифа опасига шундай деди. Аммо дилидаги бошқа, ўзи биларди. Гап пулдами? Қилган ишларингни кўздан кечириб, бу менинг қўлим деб ич-ичингдан севиниб ҳордиқ чиқаришга не етсин? Бугун бўлмаса, эртага билиб олишар...

Ҳа, одам умрини меҳнат безайди. Одамларнинг ишини кўриб қувончингни яширолмайсан киши. Олия опанинг оиласидагилар шунақа олижаноб аёллар. Фанлар академиясига қарашли қаер, қайси институт ремонт қилинадиган бўлса, бу опа-сингиллар ўша ерда ҳозир.

Яқинда физика институтининг 4 қаватли биноси ремонтдан чиқди. Олия опа синглиси, қизи билан баравар ишлади — ганч қориб, ғишт етказиб бериб турди. Бир кунда зиналардан неча марта чиқиб-тушди. Қимматхон алибастр қоришни опасидан илтимос қилди:

— Жон опа, ўзингиз қилинг, сиз қорган алибастрда сувоқ қилсам ёр суртгандек маза қиламан. Қиёмига жуда етказасиз. Бошқалар қорса суворим текис чиқмайди.

Ҳоҳо Олия опанинг, жияни Муборакка иш ўргатаётгани эшитилиб қолади:

— Устага ғишт узатиш ҳам илм. Дуч келган томондан палапартиш тутқазсанг уста чалғиб қолади, иш ўнмайди. Ўнг томондан бир меёрда қўлига тутқазиб турғин.

Шарифанинг ҳунарининг эса гашти бошқача. У деворларга, полга кичик, ялтироқ паркет ётқизади. Шарифа ўзича янгилик, гўзаллик ихтиро қилди. Қараса, топширилган нормасини икки кун илгари бажариб қўйибди. Охирги уйнинг полига паркет тўшаш керак. «Шошманг, Шарифахон пошша,— деди ўз-ўзига,—шу хонанинг полига бир хил рангли паркет термайман, турли рангдагисидан гилам ясайман. Қани қандай чиқаркин?»

Кечқурун қоғозга гилам нусхасини чизиб олди. Эртасига ўша шаклга қараб паркет ясади. Шарифанинг бу ишини кўрганлар унинг елкасига қоқиб: «Балли, сен устагина эмас, яхшигина рассом ҳам экансан» дейишди.

Ишчи Олия опанинг оиласи шунақа. Бу оиладагилар баракат ҳаракатда эканлигини яхши билишади. Бу аёлларнинг иши бор, ҳалол меҳнати бор — нони бутун, рўзғори бутун. Уларнинг ғайратини, соғломлигини, очиқ чеҳра, чиройини кўриб ҳавасинг. завкинг келади.

Кишининг баҳри-дилини очадиган ёруғ, оппоқ, сариштa хоналар бунёд қилиш қандай яхши! Халқимизнинг фаровон ҳаёти учун янгиликлар яратаётган, ижод қилаётган олимларимиз ишхоналарида, ўша уйларнинг ғиштида, сувоғида, пардозида олижаноб аёлларимизнинг қўллари бор. Қўлларингиз дард кўрмасин Олия опа, Қимматхон, Шарифахон, Муборакхон!

Мушарраф ЗАЙНИДДИНОВА.

КЕЛИН-КУЁВЛАР САРОЙИ

Меҳнаткашлар депутатлари Қўқон шаҳар Совети ижроия комитети шаҳардаги маданият уйида келин-куёвлар саройи ташкил этди.

Яқинда саройни очиш маросими ўтказилди. Никоҳдан ўтиш учун келган ёшлар, уларнинг ўртоқлари, ишлаётган ташкилотларидан вакиллар, шунингдек шаҳар партия ва совет ташкилотларининг ходимлари тўпланди.

Саройни шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар Советининг раиси ўртоқ М. Одилхўжаева очиб, никоҳлану вчиларни табриклади.

Шаҳар ЗАГС бюросининг мудири М. Маҳмудова механика заводининг токари Г. А. Кунаев билан сут заводининг ишчиси В. А. Шкандибиннани никоҳдан ўтказди. Шунингдек, механика заводининг токари В. А. Патраков билан ип йигирув-пайпоқ тўқув комбинатининг ишчиси Л. Ф. Фролкина, суперфосфат заводининг токари А. А. Косенко билан ип йигирув-пайпоқ фабрикаси коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи В. К. Шутько никоҳ рўйхатидан ўтдилар.

Никоҳланган ёшларни ип-йигирув-пайпоқ тўқув комбинати касаба союз ташкилотининг раиси Вознюк, механика заводининг ишчиси А. Кузьмина ва шаҳар комсомол комитетининг секретари Т. Саидбоев ўртоқлар табриклашдилар.

Келин-куёвлар саройи никоҳланувчилар учун доимий очиб қўйилди.

Ғ. АБДУРАҲМОНОВ.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

ЧИНОЗ. Ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган китоб магазинида 250 минг сўмлик китоб бор. Район матлубот жамияти аҳолининг китобга ошиб бораётган талабини эътиборга олиб, яна 6 жойда китоб магазини очди.

И. Ўринбоев.

* * *

БЕКОБОД шаҳридаги 704-қурилиш ишлари бошқармасининг бинокорлари ўтган йили 5786 квадрат метр уй-жой бинолари қурдилар. Янги уй-жойларга 300 оила кўчиб кирди. Бошқарма қурувчилари 780 ўринли металлургларга саройини ҳам қуриб бўлдилар. Улар 1960 йилда 36 миллион 200 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини муваффақиятли адо этдилар.

Бекобод шаҳри 1961 йилда янада обод бўлади. Бинокорлар янги йилдан 8300 квадрат метр ҳажмдаги уй-жой бинолари қурилишини бошлаб юбордилар.

М. Мирсоатов.

* * *

ТУРТКУЛ шаҳридаги қурилиш участкасининг бинокорлари йигирма квартиралик уй-жой биноси қуриб, меҳнаткашларга совға қилдилар. Қурилаётган 3 корпусдан иборат кўп квартиралик уй-жой биносига ҳам яқин орада кўпгина оила кўчиб киради.

Р. Султонов.

* * *

*НОРИН. Алоқа конторасининг меҳнаткашларга алоқа хизмати кўрсатишни янада яхшилаш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқда. Колхозлардаги почтальонлар 10 кишид

Колхоз раислари —халқ маорифи аълочилари

Ҳозир Сурхондарё областидаги барча мактабларда машғулотлар бир сменада олиб борилянти. Мактабни қайта қуриш соҳасидаги вазифани бажаришда колхозлар катта роль ўйнайдилар. Ўтган йили улар ҳисобига 32 мактаб, еттита интернат-мактаб қурилди.

Яқинда Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ёш авлоднинг таълим-тарбияси ҳақида астойдил ғамхўрлик қилаётган колхоз раисларидан 13 кишини «Халқ маорифи аълочиси» значоги билан мукофотлади. Мукофотланганлар орасида Денов районидаги Сталин номли колхоз раиси Юсупов, шу райондаги «Москва» колхозининг раиси Абдухолиқ Умаров, Жарқўрғон районидаги «Меҳнат-роҳат» колхозининг раиси Боймуродов, Шўрчи районидаги Жданов номли колхоз раиси Доннёров, Китоб районидаги «XIX партсъезд» колхозининг раиси Рустамовалар бор.

Ш. СИДДИҚОВ.

Самарқанд область, Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхозида техникани ремонт қилиш яхши бормоқда. Қарши Рисқулов тракторларни ремонт қилишда иш нормасини 200 процент бажараётир. СУРАТДА: Қ. РИСҚУЛОВ иш устида.

А. Кузьменко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РЕЗЕРВЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Чорвачилик маҳсулотларини мўл-кўл қилиш учун кураш партиямиз иқтисодий сиёсатининг муҳим масалаларидан биридир. Чунки, бу — бутун совет халқининг ҳаётий манфаатларига мос тушади. Чорвачилик социалистик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғидир. Ў озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг муҳим манбаи бўлибгина қолмай, енгил саноат учун қимматли хомашё ҳам беради.

Сўнгги олти йил ичида партия томонидан амалга оширилган қатор тадбирлар туфайли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини тез ривожлантириш учун зарур шароит вужудга келди. «Қишлоқ хўжалигининг энг қийин тармоғи бўлган чорвачиликни ривожлантиришдаги муваффақиятлар бизни айниқса қувонтиради, деган эди Н. С. Хрушчев Руминия ишчи партиясининг III съездида, — бу соҳа жуда қолоқ аҳволда эди».

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг ўсиши тўғрисидаги рақамлар буни яққол кўрсатиб турибди. Масалан, 1959 йилда мол ва парранда тайёрлаш ва харид қилиш мамлакатимизда 1953 йилдагига нисбатан (тирик вазнда) икки баравар, жун 80 процент, сут ва сут маҳсулотлари 2,3 баравар кўпайди. Ўзбекистонда гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 1953 йилдаги 68 минг тоннадан 1959 йилда 150 минг тоннага етди. Ана шу вақт ичида сут етиштириш 338 минг тоннадан 787 минг тоннага, жун етиштириш 15,6 минг тоннадан 21,5 минг тоннага, тухум етиштириш 242 миллион донадан 444 миллион донага етди. Шу муддатда қорамоллар 742 минг бош, чўчқалар 239 минг бош, қўй ва эчкилар 2 миллион бошдан ортиқроқ кўпайди. Бунинг натижасида ишчи ва хизматчиларнинг оилаларида гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш 46 процент, тухумни истеъмол қилиш 74 процент кўпайди.

Мамлакатимизда 1959 йилда 62 миллион тонна сут етиштирилди. Бу — Америка Қўшма Штатларида етиштирилган сутдан 5,6 миллион тонна кўпдир. Сарёғ етиштириш 845 минг тоннага етди. Бу — аҳоли жон бошига 4 килограммдан тўғри келади. Ўша йили АҚШ да аҳоли жон бошига 3,7 килограммдан сарёғ етиштирилган эди.

Қишлоқ меҳнаткашларининг яқин вақт ичида аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан АҚШ га етиб олиш ва ўзиб кетиш учун бошлаган ҳаракати етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун кураш давомида янада кенг тус олди.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми (1959 йил) илғорларнинг тажрибасига таяниб 1963 йилдаёқ 16 миллион тонна гўшт етиштириш, етти йилликнинг охирига бориб эса 20-21 миллион тонна гўшт етиштириш, яъни етти йиллик план топшириқларига қўшимча равишда йилига 4-5 миллион тонна гўшт етиштириш мумкинлигини кўрсатди.

Республикамиз чорвадорлари олдида ҳам жуда катта вазифалар турибди. Етти йилликнинг охирида гўшт етиштиришни (тирик вазнда) 219,5 минг тоннага, сут етиштиришни 402.4 минг тоннага, жун етиштиришни 24,6 минг тоннага ва қорақўл тери етиштиришни деярлик 2 миллион донага етказиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон чорвадорлари партия чақириғига жавобан социалистик мусобақани қучайтириб, 1960 йилда икки йиллик план ҳажмида гўшт сотиш ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш мажбуриятини олдилар. Ўтган йилнинг 9 ойи мобайнида 1959 йилнинг шу вақтидагига нисбатан гўшт 16 процент, сут 15 процент, тухум 37 процент кўп етиштирилди. Давлатга гўшт, сут, жун сотиш планлари, тухум ва қорақўл тери сотиш мажбуриятлари ортиғи билан бажарилди. Ўтган йили республика колхоз ва совхозларида қорамоллар 23 процент, шу жумладан сигирлар 18 процент, чўчқалар 39 процент, қўй ва эчкилар 4 процент, паррандалар 36 процент кўпайди.

Кўпгина районлар гўшт ва сут етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажардилар. Кўпгина районлар ўтган йилнинг ўзида давлатга уч йиллик план ҳажмида гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотлар етказиб берди. Республика чорвадорларининг етти йилликнинг иккинчи йилида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш учун курашидаги дастлабки баъзи якунлари ана шундай

Яқинда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг сигирлардан бузоқ олиш ва уларни яхши ўстириш тўғрисидаги қарори газеталарда босилиб чиқди. Бу қарорда молларни тез кўпайтиришнинг муҳим шарти — ҳайвонларни сунъий усулда урчитишдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилган. Бу илғор усул колхоз ва совхозларда тобора кенг қўлланилмоқда. 1959 йилда республикада 144 минг бош сигир ёки ҳамма сигирларнинг 50 проценти сунъий урчитилган эди. Бу йил эса ҳамма сигирлар ва совлиқлар, шунингдек она чўчқаларнинг анчагина қисми сунъий урчитилиши керак. Бу усулни тўла жорий этиш молларнинг қисир қолишига хотима беришда ва улардан кўп бола олишда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Чорвадор новаторлар қўйчиликда муҳим резервларни қидириб топмоқдалар. Республикадаги кўпгина чўпонлар қўйларни бир йилда икки марта, икки йилда эса уч марта қўзилатиш усулини қўлланмоқдалар. Шу туфайли ҳар юз совлиқдан 150-200 ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ қўзи олмоқдалар. Бу илғор методни ҳамма жойда кенг жорий этиш керак.

Гўшт ресурсини кўпайтиришнинг муҳим манбаидан бири — чўчқаларни кўпайтиришдир. Асосий она чўчқалар ва бир марта бола олинадиган урғочи чўчқалардан яхши фойдаланиш оқали гўшт етиштиришни кескин даражада кўпайтириш мумкин. Чўчқа тез ўсиб етилиши билангина фарқ қилмай, кўп болалаши ва ҳар бир она чўчқа ҳисобига икки-уч тонна гўшт етиштириш мумкинлиги ҳам характерлидир.

Машҳур чўчқабоқар Ярослав Чиж чўчқаларни катта группаларга ажратиб боқиш, самокормушка ва автопоилкаларни қўлланиш, шунингдек чўчқани боқишнинг тежамлироқ рационини қўлланиш туфайли, ажойиб натижаларга эришди. У, чўчқа боқишда иш унумини 20 баравар кўпайтирди ва бир центнер чўчқа гўштининг таннархини 224 сўмга туширди.

Ўртоқ Чиждан ўрнак олган чўчқабоқар Жўра Султонов 1960 йилда 1400 бош чўчқани боқиб семиртирди, давлатга 1580 центнер гўшт етказиб берди. Чиж издошлари — Тўрткўл районидаги «Ленинград» колхозидан Мария Григорьевна Бунина, Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоздан Пак Дин Себ, «Политотдел» колхозидан Николай Ким, «Бўка» совхозидан Н. П. Иовлев ва бошқаларнинг номи бутун республикамизга машҳур бўлди. Етти йилликнинг учинчи йилида жамоат чорвачилигининг «Тезпишар» соҳаси бўлган чўчқачиликни янада ривожлантириш чорвадорлар олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Молларни бўрдоқига ва сўқимга боқиш каби гўшт етиштиришнинг муҳим манбаини унутиш ярамайди. Бунинг учун давлат, совхоз ва колхозларарo бўрдоқихоналарни ҳар томонлама кўпайтириш, шунингдек ихтисослаштирилган бўрдоқичилик хўжаликларида ёш моллари ўстириш, ҳайвонларни ўтлатиб бўрдоқига ва сўқимга боқишни ташкил этиш керак.

Республикамизда гоз ва ўрдак каби паррандаларни кўпайтириш учун қулай бўлган қўллар, сув ҳавзалари кўп. Бундай майдонлар биргина Қорақалпоғистон АССРда 300-400 минг гектарни ташкил қилади. Ана шу ерларда 60-80 миллион ўрдак боқиш ва йилига 120-160 минг тонна парранда гўшти олиш мумкин. Бундай имкониятлардан тўла фойдаланиш вақти келди.

Хоразм, Тошкент, Самарқанд ва бошқа областларда ҳам сув ўтлари сероб бўлган қўллар кўп. Бундай қўлларнинг ҳар гектарида 100-150 ўрдак асраш ва 20.30 процент донни тежаб қолган ҳолда ҳаммаси бўлиб 4 миллионга яқин ўрдак боқиш мумкин.

Ўзбекистоннинг иссиқ ва қуруқ иқлими, ламмикор ва ярим саҳро ерларнинг кенглиги кўплаб курка боқиш учун жуда қулайдир. Курка — гўшти мазали катта парандадир. У тез ўсиши ва вазн жиҳатидан товуқ ҳамда гозлардан ҳам афзалроқдир. Ёз давомида ҳар бир куркадан 25-30 та курка боласи олинади, уларни сўйгач, 120-150 килограмм гўшт олиш мумкин бўлади. Бир килограмм курка гўшти етиштириш учун кўп дон сарфланмайди. Куркалар эркин боқилса, бир килограмм гўшт олиш учун 3-4 килограмма яқин дон сарфланади, холос. Шунга қарамай бу муҳим резервдан ҳали ҳам етарли фойдаланилмаяпти.

Колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш масалалари билан чуқур ва конкрет, ишнинг кўзини билган ҳолда шуғулланишлари, чорвачиликдаги барча янгилик ва илғор усулларни қўллаб-қувватлашлари, фойдаланилмаётган резервларни қидириб топиб ишга солишлари, новаторларнинг тажрибасини ҳар томонлама қўлланиш ва уларнинг фойдали ташаббусини оммалаштиришлари керак.

Ҳ. ПЎЛАТОВ.

ЧЎЧҚАБОҚАРЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ОЛДИДАН

ЙИГИТНИНГ БАХТИ

Қуёш коптокдай юмалаб ўз ётоғига йўл олди. Сахий кузнинг салқин еллари тилла ранг япроқларни чиртчирт узиб, улар билан ўйнашарди. Кўчани тўлдириб ўтган подалар жойига етди. Гўзал қишлоқ оқшоми. Шу пайт йўлни чангитиб келган енгил машина кўк дарвоза олдига келиб тўхтади. Шофер устма-уст сигнал берди, дарвоза очилиб, ичкаридан бир киши чиқди:

— Жўра ака, Бинобар Юнусовна сизни ҳозир идорага келсин деди.

— Тинчликми ўзи?

— Билмадим. Самарқанддан телефон қилишди, ўзим ҳам ҳозир етиб борамас, тез олиб кел, дедилар.

Машина совхоз идораси олдига келиб тўхтаганда, уни кўпчилик ўраб олди.

— Суюнчи бер,—Жўрабой, суюнчи!

— Нима гап, аввал эшитайликчи,—Жўра юзларида кулиб турган совхоз директори Бинобар Юнусовнадан асл мақсадни билишга тиришарди «бўпти, суюнчисига қарздорман, айтинглар-чи, нима гап ўзи?».

— Жавоб олдик, жавоб-телеграмма,—деб юборди Жўрани қуршаб турганлардан бири хурсандчилигини юрагига сиғдиролмай.

— Рост айтяпти. Мактубингизга Никита Сергеевичдан жавоб келди.—Ҳалиги йигитнинг сўзини тасдиқлади ўртоқ Рашидова.—Қани юринглар, ичкарида ўқиб бераман.

Телеграмма «Қадрли Жўра Султонович!»—деб бошлаканди.—Сизнинг 946 бош чўчқани бўрдоқига боқиш ва давлатга 1.050 центнер гўшт топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятингизни муваффақиятли бажарганлигингиз, йил охиригача эса ҳаммаси бўлиб 1.146 чўчқани бўрдоқига боқиш ва давлатга 1.250 центнер чўчқа гўшти топшириш мажбуриятини олганлигингизга жуда хурсандман. Шу нарса ҳам муҳимки, сиз чўчқа гўшти таннархининг ўтган йилдагига нисбатан учдан бир қисмга камайтирилишига эришгансиз. Сизнинг муваффақиятларингиз гўшт етиштиришни чўчқа гўшти ҳисобига тез вақт ичида кўпайтириш учун резервлардан фойдаланишнинг ажойиб намунасидир. Сизга сиҳат-саломатлик ва Ватанимизнинг бахт-саодати йўлидаги олижаноб меҳнатингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймаи. КПСС Марказий Комитети номидан совхознинг ҳамма ишчиларини ва мутахассисларини қизғин табриклайман. Н. ХРУШЧЕВ. 1960 йил, 17 октябрь».

Телеграмма ўқилгунча Жўра ўзини зўрға тутиб турди. Ҳаяжондан, қувончдан бўлса керак, кўзларида шодлик томчилари кўринди. Дўстлари уни бағрига босиб, чин юракдан табрикладилар. «Ахир, бу фақат менга эмас, ҳаммамизга келган хатку»—Жўранинг тили ана шу сўзларни такрорларди, холос. «Шунча давлат ишлари билан банд бўлганига қарамай мендай бир оддий кишига Никита Сергеевич жавоб хати ёзибди. Раҳмат, Никита Сергеевич, телеграммагиз учун раҳмат!» дерди у лаблари пичирлаб

Ҳа, Жўра Султонов ҳар қанча фахрланишга, ҳар қанча қувонишга ҳақли. Ўртоқ Хрушчевдан унинг номига келган телеграмма бир ўзбек йигитининг бахтини ифодалаб турибди.

Бу — Жўра султоновчиларнинг олижаноб меҳнатига, қаҳрамон она-Ватан ишига партия ва ҳукуматимиз томонидан берилган энг юксак баҳо ва энг юқори мукофотдир. Ҳа, у қаҳрамонона ишлади. «Олтин ўтда, одам меҳнатда синалади»—Жўра ана шуни амал қилди. Чўчқаларни катта группаларга ажратиб боқди. Чўчқаларни суғоришдан тортиб озуқа бериш, остини тозалашгача бўлган барча иш процессларини қўл билан бажаришдан воз кечди—механизациялаштирди. Чўчқаларни семиртириш йўлларини излаб топди. Шунинг натижасида ҳар бир чўчқанинг бир кеча-кундузда 750-900 граммгача семиришига эришилди. Зиммага олган социалистик мажбуриятининг бир йилда эмас, 10 ойда бажарилганлиги ва она-Ватанга 1000 центнер ўрнига 1.050 центнер арзон чўчқа гўшти тортиқ қилганлиги ҳақида рапорт берди. Унга халқимиз «балли, азамат» деди. Ўртоқ Хрушчевдан бу ажойиб ғалабани қутлаб келган жавоб хати Жўра Султоновга янги қанот берди. У, «Қимирлаган қир ошар» мақолини кўнглига тугиб, ишга шўнгиб кетди.

1960 йил декабрда жонажон пойтахтимиз Тошкентда бўлган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида машҳур чўчқабоқар минбарга кўтарилиб, пленум қатнашчиларига ана шу залда, бутун халқ ва давлат олдида берган сўзининг устидан чиққанлигини, қўшимча мажбурият ошириб бажарилганлигини, яъни ҳаммаси бўлиб 1580 центнер арзон гўшт етиштирилганлигини маълум қилди. Пленум қатнашчилари Жўра Султоновни узоқ олқишладилар. Ахир, у чўчқа гўшти етиштириш таннархини кескин камайтирди. Бурунги йил ҳар бир озуқа бирлигига 55 тийин пул кетган бўлса, ўтган йил у 25 тийинга туширилди. Ҳар бир килограмм чўчқа гўшти 1959 йилги 4 сўм 22 тийин ўрнига 2,5 сўм бўлди. Бу—энг юксак кўрсаткичдир. Бу билан у давлатнинг 250 минг сўм маблағини тежаб қолди.

Моҳир чўчқабоқар Султонов азиз Никита Сергеевичнинг «...Мана шундай арзон нархда тушаётган чўчқа гўшти бўлганида ноништани ҳам, тушки овқатни ҳам жуда мазали қилиш мумкин. Яна бунинг устига кечки овқатни ҳам сергўшт қилиб тайёрлаш мумкин» деган доно сўзларини сира эсдан чиқаргани йўқ.

Оддий ўзбек йигити Жўра меҳнатда синалди, шу меҳнат туфайли номи тилларда достон, унинг минглаб издошлари бўлди. Уни шону шарафга ўраган ҳам, бахт-саодатга эришгирган ҳам шу халол меҳнат. Жўра 1961 йилда яна янги уфуқларни кўзлаяпти. У шу йил 2.500 бош чўчқани бўрдоқига боқмоқчи. Она-Ватанга 2500 центнер арзон гўшт бермоқчи. Жўра сўз бердими, албатта аҳдига вафо қилади. Ҳа, уни янги шон-шараф кутмоқда, янги бахт-саодат қучади.

Йигитнинг бахтига яна бир бахт қўшилди. Жўра Султонов КПСС Марказий Комитетининг шу кунларда Ватанимиз пойтахти, совет халқининг бахт-саодати гўзал Москвада, катта Кремль саройида давом этаётган Пленумида қатнашмоқда. Самарқанд областидаги 1-«Самарқанд» наслчилик совхозининг оддий ишчиси, чўчқабоқар Жўра Султонов Пленумдан жуда кўп нарсани ўрганади, билим олиб қайтади.

Н. НАРЗУЛЛАЕВ.

ҲАР КУНИ ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАҲСУЛОТ

Етти йилликнинг учинчи йили бошида Ленинск пахта тозалаш заводида яхши ташаббус вужудга келди.

Мастер Ғулом Ҳамроқулов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси ҳар куни пландан ташқари тола бериш учун курашишни таклиф қилди.

Бу ташаббусни бутун коллектив қўллаб-қувватлади. Завод директори Иван Семенович Гривчун бундай деди:

— Янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб корхона бир меёрда ишламоқда. Бир суткада пландан ташқари камида 5-6 тонна пахта толаси ишлаб чиқармоқдамиз. Ғ. Ҳамроқулов, Т. Содиқов ва бошқа ўртоқлар бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари янги резервларни қунт билан ишга солмоқдалар. Улар хомашё нобудгарчилигини тугатдилар. (ЎзТАГ).

Пискент нони

— Қўлинг дард кўрмагур новвой зап пиширибдими, қаранг, бўрсиллайди-я, — деди чойхонада нон ушатаётган бир мўйсафид ҳамроҳига.

— Бу ҳали гиждаси, ширмой нони бундан ҳам яхши ёв, роҳатланасан киши, — деди ҳамроҳи мўйсафидга.

Пискент районидаги нон заводи коллективи нонларни сифатли, мазали қилиб, сингитиб пиширишга моҳир бўлиб олган. Заводда ҳар куни 125--130 тонна нон ёпилади. Нонлар иссиқлигида дўкон ва ошхоналарга тарқатилади.

Яқинда район савдо бўлимининг ташаббуси билан 15 жойда ширмой нон ёпадиган новвойхоналар ташкил этилди. Уларда ҳар куни минглаб ширмой нон ёпилади.

Нон заводи ва новвойхоналарнинг ходимлари нонларнинг янги хилларини ўзлаштирмоқдалар.

М. ДАМИНОВ.

Собир АБДУЛЛА

ГАЗ ҲАҚИДА

(ТЕРМА)

Тошкент — шаҳри азимда,
Ош дамлайман газимда.
Гунжарангин қўй энди,
Газ машъал қил базимда.
Бобом ёқди тараша,
Замонинга яраша.
— Янги замон ўтини
Ўчмас, ёнар ҳамиша
Газ плитка соз чиқди,
Сарфу чиқим оз чиқди.
Ўрдак қўйсам пишсин деб,
Духовкадан гоз чиқди.
Ишнинг кўзини тоқдик,
Тандир қилиб нон ёпдик.
Кабоб қилгимиз келиб,
Олойбозорга чопдик.
Қанча десанг, гўшт сероп,
Газ плитка унга боп.
Пармуданинг таърифин
Айтаберсам, деманг лоф.
Ўтин ёриш, кўп заҳмат,
Мушкул осон—минг раҳмат!
Ҳукумат газ чиқариб,
Халққа қилди марҳамат.

ҲАМЗА БИРИНЧИ УСТОЗИМИЗ

Сталин районидаги 30-бошланғич мактаб ўқитувчилари ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий хотирасини ҳурмат билан сақламоқдалар. Ана шу мактабнинг ҳозирги илмий мудири Ҳошим Бобожонов Ҳамзанинг шогирдларидан биридир. Ҳамза бундан 45 йил илгари Шаҳрихонда бўлган бирдан-бир бошланғич мактабда дарс берган эди. Бобожонов ўзининг биринчи устозини эслаб, бундай деди:

— Ҳамза бизни она тилига муҳаббат руҳида тарбиялади, бизга арифметика, музика ва қўшиқни ўргатди. Ҳамза ёзган қўшиқларни ўқувчилар дарҳол ўрганиб олар эдилар. Машғулотлардан бўш вақтларида концерт уюштирилар, бу концертларда Ҳамзанинг ўзи скрипка чалиб берар эди.

Ҳ. Бобожонов Ҳамза билан иккинчи марта 1928 йилда учрашган. У вақтда шогирднинг ўзи Самарқандда ўқитувчилик қилар эди

Ҳамза педагогикага айниқса катта меҳр уйғотган эди. Шу сабабли ўтиз беш йилдан кўпроқ ўқитувчилик қилаётган ва мингдан ортиқ ўқувчиларга таълим берган Ҳошим Бобожонов оила аъзоларининг ҳаммаси педагоглардир. Бобожоновнинг рафиқаси Ойимхон, ўғли Эркин, қизи Мукаррам, сингляси Анзират, укалари ва сингилларининг ўғил-қизлари халқ маорифи соҳасида ишламоқдалар.

Қишлоқ ўқитувчиларининг шонли оиласида атоқли ўзбек шоири Ҳамза энг азиз устоздир. (ЎзТАГ).

БИР ҚИШЛОҚДА ЎНЛАБ ҚУРИЛИШ

Оқдарё районидаги Даҳбед қишлоғи йилдан-йилга обод ва кўркам бўлмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқдаги А. С. Пушкин номли 33-ўрта мактабда қўшимча 12 синф хонаси қурилди. Бу эса, мактабда машғулотларни бир сменага кўчириш имконини берди. Шунингдек ўнлаб уй-жой бинолари, болалар боғчаси, маданий моллар магазини, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати қурилиб, ишга туширилди. «Даҳбед» пахтачилик совхози маъмурий аппаратининг биноси, унинг ёнидаги клуб биноси ҳам ўтган йили қурилиб битди. Қишлоқдаги алоқа ходимлари учун қурилаётган 3 квартирали бинода яқин кунларда уй тўйи бўлади. Бу қурилишларга давлат 2 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлади.

Совхоз ишчи-хизматчилари қишлоқни кўкламзорлаштириш ишига ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Чоржўй ариғидан Даҳбед қишлоғига сув келтириш учун ариқ қазилди.

Шу кунларда қишлоқни тўлиқ водопроводлаштириш, электрлаштириш ва радиолаштириш тадбирлари кўрилаётир.

В. ТУРСУНОВ.

Чўпон Азимгул Қўноқова совғаси

«Қизилча» совхозининг чўпони Азимгул Қўноқова КПСС Марказий Комитети январь Пленумига яхши меҳнат совғаси тайёрлади. Ўтган йили у парвариш қилаётган отардаги ҳар 100 бош совлиқдан 167 тадан қўзи олинди, ҳар бир қўйдан ўрта ҳисобда 4 килограммдан жун қирқиб олинди.

Совхоз коллективи яқинда бу меҳнатсевар аёл ҳаётида шонли кунни нишонлади: у чўпон бўлиб ишлай бошлагангa чорак аср тўлди. Дирекция коммунистик меҳнат зарбдорига қиммат-баҳо совға топширди, унга совхоз посёлкасидан янги яхши квартира ажратди.

Азимгул эришган кўрсаткичлари бўйича областдаги кўпгина чорвадорлардан ўзиб кетди. У, чорак аср мобайнида парвариш қилиб ўстирган ҳамма қўзиларни ҳисобласак, бу қўзилар катта қўйчилик хўжалиги учун етарли бўлади. Шу даврнинг ичида унинг отаридаги қўйлардан қирқиб олинган жундан ўн мингларча костюм учун газлама тўқиш мумкин.

Қўноқова областда биринчилар қаторида совлиқларни барвақт гиғиз усулда қўзилатишга ўтказди, кўп насл олиш учун стимуляторлардан фойдаланди. Бу эса қўзи олишни кескин равишда кўпайтирди.

Камтар меҳнаткашнинг муваффақиятларига ҳукумат юксак баҳо берди. Азимгул Қўноқова Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Нуротанинг донгдор чорвадори етти йилликнинг учинчи йилида ҳар 100 бош совлиқдан 175 тадан қўзи, ҳар бош қўйдан камида тўрт ярим килограмм жун қирқиб олишга аҳд қилди. (ЎзТАГ).

БИР ТАКЛИФ 2.200 СУМ ФОЙДА КЕЛТИРДИ

ҚУВАСОЙ («Қизил Ўзбекистон мухбири»). Цемент комбинатида рационализаторлар ўтган йилнинг охирига келиб 120 кишига етди.

Яқинда ишчи А. Трилин киритган таклифга кўра, тоғдан тушадиган автомашиналар ўз-ўзидан совитилади. Тормоз қилиш натижасида тезда ишдан чиқадиган автомашина барабанлари икки баравар узоқ чидайди.

Шифер цехининг бошлиғи ўртоқ Петровнинг таклифи билан шифер тахлашда илгариги темир дасталар ўрнига ёғоч дасталар қўлланилиятти. Бу таклиф комбинатга йилига янги пулда 2 минг 200 сўм фойда келтиради. Рационализаторлардан Алиев, Косов, Филиппов ва бошқа ўртоқларнинг ҳам фойдали таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилди.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

ШЕРМАТ АКАНИНГ ТАКЛИФИ

— Мен Шермат аканинг таклифига қарши эмасман, — деди раис, — бироқ, мактаб биноси қуриш масаласини атрофлича ўйлаб кўриш керак. Менимча, қурмоқчи бўлаётган мактабимиз кичкина мактаб бўлмайди. 16 та синф хонаси, таълим устахонаси ва бир неча маъмурий хонадан иборат ўрта мактаб бўлади. Бунақа бинони қуриш учун кам деганда бир миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлашга тўғри келади.

— Бўлинмас фондда пулимиз бор-ку, — луқма ташлади кейинги стулда ўтирган бир йигит.

— Тўғри, — давом этди раис, — пулимиз борликка-бор, лекин бу пулга молхона, сушилка, янги чойхона ва колхоз правлениеси учун идора қуришни мўлжаллаяпмиз. Иқтисодий шароитимизга қараб мактаб биноси қуришни кейинги йилга қолдирсак дейман. Яна ким нима деса фикрини ўртага ташласин.

— Менда икки оғиз сўз бор, — қўл кўтарди ҳалиги луқма ташлаган йигит.

— Марҳамат, — деди раис унга разм солиб.

— Чамамда шу билан мактаб қуришнинг учинчи марта кечиктирилиши бўлса керак. Шермат ака бундан олдин ҳам мактаб биноси қуриш масаласини бир неча марта ўртага ташлаган эди. У вақтда маблағимиз етарли эмас эди. Шунинг учун мен ҳам бу таклифга эътироз билдирган эдим. Энди-чи? Энди маблағимиз етарли. Банкда юз минглаб тахи бузилмаган пулимиз турсин-да, болаларимиз чакки бозор синфларда ўқисин! Йўқ, энди бу аҳволни тузатиш керак.

Правление мажлисида сўзга чиққан кишиларнинг кўпчилиги ўрта мактаб биноси қуриш ҳақидаги таклифни қувватлади. Колхоз правлениесининг мажлиси правление ва чойхона учун янги бино қуришни бироз кечиктирди-да, ўрта мактаб биноси қура бошлаш ҳақида қарор чиқарди. Колхозчиларнинг умумий йиғилиши правлениенинг мактаб биноси қуриш ҳақидаги қарорини бир оғиздан маъқуллади.

Мактаб биноси қурилиши жадал олиб борилди. Колхозчилар, ўқитувчилар ва юқори синф ўқувчилари қурилиш ишига яқиндан ёрдам беришди. Қурилишга ота-оналар ёрдамини ташкил этишда Шермат аканинг хизмати катта бўлди. Шундай қилиб, ўтган йили 400 боланинг бир сменада ўқишига мўлжалланган ўрта мактаб биноси қурилиб битди. Мактаб атрофидаги кўчаларга шағал тўкилди.

Норин район Советининг депутати Шермат Аҳмедов колхоздаги механизаторлар, чорвадорлар ва пахтакорларнинг таклиф, талаб ва эҳтиёжларини чуқур ўрганади, уни вақтида амалга оширишга киришади. Мактаб қурилиши ҳам шу депутат ташаббуси билан амалга ошди.

Норинкапалликларнинг севган кишиси Шермат Аҳмедов колхозда пахтачиликни ривожлантиришда ҳам ажойиб ишчанлик кўрсатиб келяпти. У 20 йилдан бери «Октябрь» колхозида бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. Ўтган йили унинг бригадаси янги ўзлаштирилган 57 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 37 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил кўтарди. Бригаданинг барча майдони 1961 йилда юқори ҳосил олиш учун сифатли шудгорлаб қўйилди.

Ишчан, ташкилотчи, ташаббускор бригада бошлиғининг пахтадан йил сайин юқори ҳосил етиштиришдаги хизматларини партия ва ҳукуматимиз бир неча марта тақдирлади. У, 1958 йили «Меҳнат Қизил байроқ» ордени билан мукофотланди. Ўтган йили эса, бу ишчан бригадирга «Москвич» енгил машинаси тортиқ қилинди.

Қ. АБДУРАҲИМОВ.

МЕҲНАТКАШЛАР ХАТЛАРИ ИЗИДАН

ДИРЕКТОР ИШДАН ОЛИНДИ

Ургут районидаги 37-ўрта мактаб ўқитувчилари директор Маматовнинг мактаб мулкини талон-тарож қилишига йўл қўймаганлар, уни давлат мулкини мактабга қайтаришга мажбур қилганлар. Маматов бу ишда ташаббус кўрсатган ўқитувчи И. Худойбердиевни пайт топиб ишдан четлаштирган. Унинг бу тўғридаги шикоятларига район ва область маориф бўлимлари аҳамият бермаганлар.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг редакцияга хабар қилишича, хатда келтирилган фактлар тасдиқланган. Э. Маматов район партия комитети бюросининг қарорига биноан вазифасидан бўшатилган. Мактаб хўжалик мудири Мардонов ҳам ишдан олинган. Ўқитувчи И. Худойбердиев ўз вазифасига тикланган.

Фарғона уй қурилиши комбинатининг қурувчи ва монтажчилари корхонани муддатидан илгари эксплуатацияга топшириш учун курашмоқдалар. СУРАТДА: механизмларни йиғиш пайти.

Г. Бойко фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

АМЕРИКАНИНГ КУБАДАГИ НАЙРАНГИ БЕЛЬГИЯДА ХАЛҚНИНГ КУЧЛИ ҒАЗАБ ТЎЛҚИНИ

⊙ ЛОНДОНДАГИ НАШРИЁТ «ҚУРОЛСИЗЛАНИШ ВА МУСТАМЛАКАЛАР ОЗОДЛИГИ» НОМИ БИЛАН Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ НУТҚ ВА СУҲБАТЛАР ТЎПЛАМИНИ НАШР ЭТДИ ⊙ ГВИНЕЯ БИЛАН СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҲАМКОРЛИГИ КЕНГАЯДИ ⊙ АЛБАНИЯ ХАЛҚИ АЛБАН ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КУННИНГ 15 ЙИЛЛИГИНИ БАЙРАМ ҚИЛМОҚДА ⊙ ГОЛЛАНДИЯ АГРЕССИЯСИ ХАВФИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ЁРДАМ БЕРАДИГАН САФАР.

Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚЛАРИНИНГ ТЎПЛАМИ АНГЛИЯДА НАШР ЭТИЛДИ

ЛОНДОН, 10 январь. (ТАСС). Лондондаги «Лауренс энд Уишарт» нашриёти СССР Министрлар Совети раиси Н. С. Хрушчевнинг нутқлари ва суҳбатлари тўпламини «Қуролсизланиш ва мустамлакалар озодлиги» номи билан нашр этди. Тўпламга Н. С. Хрушчев БМТ Бош Ассамблеясининг XV сессиясида Совет Иттифоқи делегациясига бошчилик қилган пайтда сўзлаган нутқларининг тўла тексти киритилган.

Тўпламга Н. С. Хрушчевнинг мухбирлар билан, телевидение шарҳловчиси Саскайнд билан суҳбатлари, шунингдек Совет Иттифоқи бошлиғининг Нью-Йоркда бўлган вақтида сўзлаган бошқа нутқлари ва суҳбатлари киритилган. Тўплам Н. С. Хрушчевнинг 1960 йил 20 октябрда Москва меҳнаткашларининг митингида сўзлаган нутқи билан тугалланади.

Нашриёт тўпламга Совет ҳукумати томонидан БМТ бош Ассамблеяси XV сессияси муҳокамасига киритилган ҳужжатларни ҳам қўшган.

Агрессия тайёрлаш давом этмоқда

ГАВАНА, 10 январь. (ТАСС). «Революсьон» газетаси 9 январда эълон қилган материаллар Америка империализмининг Гуантанамодаги Америка ҳарбий-денгиз базаси районида Куба билан ҳарбий жанжал чиқариш ҳамда шу баҳона билан Куба халқига қарши қуролли интервенция бошлаб юбориш ниятларини фош қилади.

Гуантанамодаги АҚШ қуролли кучлари, деб хабар беради газетанинг мухбири Гуантанамо шаҳридан, уруш ҳаракатларига бир неча кундан бери актив тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар қирғоқ яқинидаги сувларда сув ости кемаларига қарши миналар жойлаштирмоқдалар, базага кўп миқдорда доридармонлар келтирилмоқда. Гуантанамода бўлган Америка ҳарбий-денгиз кучларига 45 минг тонна ҳажмли «Франклин Делано Рузвельт» авианосеци ва бир неча миноносец қўшилмоқда. Базанинг қуруқликдаги чегарасининг бир қисми бундан бир неча ой илгари миналаштириб қўйилган.

Шу нарса характерлидирки, Америка Қўшма Штатлари Гуантанамо базасидаги актив ҳарбий тайёргарлигини кенг эълон қилмоқда ва шу билан, бу базага Кубанинг ҳужум қилиш хавфи бор, деб Америка халқини ҳам, жаҳон жамоатчилигини ҳам ишонтиришга уринмоқда.

«Революсьон» газетаси Америка ҳукмрон доиралари кўтарган шовқун-суроннинг сабабини очиб ташлаб, қуйидагиларни ёзади: «Империализм олти миллион аҳолиси бўлган мамлакатнинг 200 миллион аҳолиси бўлган мамлакатга ҳужум қилишга тайёр бўлишига Америка халқини ишонтириш мумкинлигига кўзи етмаганлиги учун уни лоақал Гуантанамо базаси (Кубадан ўғирлаб олинган бир қисм территория) кубаликлар ҳужумига дучор бўлиш олдида турибди, деб ишонтиришга уринмоқда.

Ҳамма нарса Американинг «ўзўзига агрессия» қилиш плани ўзининг сўнгги босқичига кирганлигидан далолат беради, деб ёзади газета. Бизлар Гуантанамода «ўзўзига агрессия» тайёрлаётган империализмни бутун дунё олдида фош қиламиз.

Албан халқи буюк байрамни нишонламоқда

ТИРАНА, 11 январь. (ТАСС). Албан халқи бугун Албания Халқ Республикаси эълон қилинган кунинг 15 йиллигини нишонламоқда. Газеталар бу кунга бағишлаб мақолалар босиб чиқардилар.

Шу кунларда фабрика ва заводларда, қишлоқ хўжалик кооперативларида, маданий-оқартув муассасаларида албан халқининг ҳаётидаги тарихий воқеага бағишланган йиғилишлар ўтказилмоқда.

СОВЕТ — ГВИНЕЯ ҲАМКОРЛИГИ

МОСКВА, 10 январь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг чет эллар билан маданий алоқа Давлат комитетида Совет Иттифоқи билан Гвинея Республикаси ўртасида 1961 йил учун маданий ва илмий ҳамкорлик плани бўйича музокаралар тугалланди.

Ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳи да ўтган бу музокаралар натижасида иккала мамлакат ўртасида маданият, санъат, фан, таълим ва маориф соҳасидаги маданий алоқаларни янада кенгайтиришни кўзда тутадиган план ишлаб чиқилди ва бугун имзоланди.

Планни Совет томонидан СССР Министрлар Советининг Чет эллар билан маданий алоқа Давлат комитетининг раиси Г. А. Жуков, Гвинея томонидан Гвинея Республикасининг СССРдаги элчиси Сейду Конте имзоладилар.

УИЛЬЯМ ФОСТЕР СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

НЬЮ-ЙОРК, 10 январь. (ТАСС). Америка Қўшма Штатлари Коммунистик партиясининг фахрий раиси Уильям Фостер ва рафиқаси самолётда АҚШ дан Совет Иттифоқига жўнаб кетдилар.

Америка маъмурлари оғир касал бўлган У. Фостерга чет элларда даволанмоқ учун боришга бир неча йиллар давомида рухсат бермай келдилар. Кўп йиллар давом қилган суд муҳокамаларидан кейин У. Фостер, ниҳоят, Совет Иттифоқига ва Чехословакияга сафар қилишга рухсат олишга муваффақ бўлди.

АҚШ давлат департаменти суд қароридан кейин ҳам паспорт беришни чўзиб, У. Фостернинг жўнаб кетишига кўп вақт тўсқинлик қилиб келган эди.

Варшавада «Искра» юбилейини нишонламоқдалар

ВАРШАВА, 10 январь. (ТАСС). Варшавадаги В. И. Ленин музейида ленинча «Искра» газетаси биринчи сонининг чиққанига 60 йил тўлиши муносабати билан кеча ўтказилди.

Кеча қатнашчилари РСДРПнинг жанговар органи — ленинча «Искра» газетасининг тарихи ва аҳамияти тўғрисидаги докладни зўр эътибор билан тингладилар.

Индонезиянинг умиди рўёбга чиқди

ЖАКАРТА, 10 январь. (ТАСС). Индонезия ўз ҳукумат делегациясининг Москвага визити натижаларини табриклямоқда. Газеталар делегация сафарининг якунларига ўз саҳифаларида биринчи ўринни бермоқдалар ва сарлавҳаларда ҳамда шарҳларда Совет Иттифоқи Индонезия истакларини қабул қилди, деб таъкидламоқдалар.

Миллий хавфсизлик министри Насутионнинг Москвага визити муваффақият билан тугалланади, деган умидимиз рўёбга чиқди, деб ёзади бугун «Хариан Фаджар» газетаси бош мақолада. Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги янги битим бу миссиянинг муваффақиятидан яққол далолат беради. Бу миссиянинг натижалари Голландия агрессияси хавфининг олдини олишга ёрдам беради. Газета Голландиянинг Индонезия халқига қарши агрессив ҳаракатларида СЕАТО ва НАТО ҳарбий блокларининг аъзолари унга ёрдам бермоқдалар, деб ёзади.

Министр Насутионнинг миссияси бизни қувонтирадиган муваффақият келтирди, деб ёзади бугун «Мердека» газетаси бош мақолада. Энди Голландия аниқ тушунган бўлса керакки, Ғарбий Ириандa Индонезияга қарши Голландия агрессиясининг тобора кучайиб бораётганлиги олдида Индонезия ожиз бўлиб қолмайди.

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПАРИЖ, 10 январь. (ТАСС). Бельгия меҳнаткашларининг «қашшоқлиқ қонун лойиҳасига» қарши қаттиқ кураши 21 кундан бери давом этмоқда.

Эйскенс ҳукуматининг халққа зид ўлароқ қонун лойиҳасига қарши норозилик билдириш ва бу қонун лойиҳасининг бекор қилинишини талаб қилиш мақсадида забастовкачилардан неча мингдаб киши кеча Бельгиянинг кўпгина шаҳарларидаги кўчаларига чиқди.

Агентликларнинг хабар қилишларича, Монсда шу атрофда жойлашган кўмир шахталарининг шахтёрларидан неча юзлаб киши забастовкани давом эттириш ниёти остида кеча катта намойиш уюштирган. Намойишчилар шаҳар маркази томон боришган.

Намойиш қатнашчилари шаҳар телефон станцияси олдига келиб, забастовкага қўшилишга уларни даъват этиш мақсадида телефон станцияси хизматчилари билан музокаралар олиб бормоқ учун ўз делегацияларини юборганларида, полиция намойишчилар устига кўздан ёш оқизадиган газ солинган гранаталар ташлаган. Бунга жавобан намойишчилар полицияни тошбўрон қилган. Забастовкачилар билан полициячилар ўртасида чиқакам жанг бошланган. Бу жангга аралашган қўшинлар ўт очишган. Намойишчилардан бир киши ярадор қилинган.

Бутун Монс шаҳри ҳақиқатда қўшинлар ва қуролланган полиция отрядлари билан қуршаб олинган эди. Полиция шаҳар томон олиб борадиган йўлларга тўсиқлар барпо этган.

Полиция 100 га яқин кишини қамоққа олган. Лекин забастовкачилардан неча юзлаб киши шаҳар марказига киришга эришиб, почта ва телеграф бўлимларининг, шунингдек шаҳарнинг бош солиқ бошқармасидаги ишларни тўхатишга муваффақ бўлишган.

Юн шаҳрида ўтказилган намойишда забастовкачилардан 3 минг киши қатнашган. Улар қўлларида байроқлар ва «ягона қонун» (ҳукуматнинг «иқтисод қилиш» ҳақидаги қонун лойиҳаси бу ерда расмий равишда шундай деб аталади) деган сўзлар ёзилган қора тобутни кўтариб, шаҳардан ўтишган.

Бельгия умуммеҳнат федерациясининг раҳбарларидан бири А. Ренар намойиш қатнашчиларига мурожаат қилиб, «кураш давом эта беради» деган.

Кечроқ А. Ренар мамлакатнинг йирик металлургия маркази Ла-Лувьерда бўлган митингда нутқ сўзлаган. Бу ерда шу атрофда жойлашган шаҳарларнинг аҳолиси билан 40 мингга яқин киши тўпланган эди. Митинг тамом бўлгандан кейин унинг қатнашчилари ҳукуматга қарши шиорларни айтиб ва қўлларида Эйскенс ва мамлакатда кенг қулоч ёйган забастовка курашининг ашаддий душмани кардинал Ван Рой тасвирланган гавдалар осилиб турган дорларнинг макетларини кўтариб, шаҳар кўчаларидан ўтиб боришган.

Бельгиянинг бошқа шаҳарларида ҳам намойишлар бўлган.

Кеча маълум бўлишича, Эйскенс ҳукумати Францияда чиқадиган «Франс-Суар» газетасининг маълумотларига қараганда, ҳукумат мамлакат экономикасини тўхтатиб қўйган ҳозирги забастовка натижасида 10 миллиард Бельгия франки миқдорида, яъни у иш ҳақлари, пенсиялар, нафақалар ва ҳоказоларни қамайтириш йўли билан «тежамоқчи» бўлганидан анча кўп миқдорда зарар кўрган бўлса ҳам, Эйскенс ҳукумати забастовкачиларга сира ҳам ён бермоқчи эмас. Эйскенс ҳукумати халқнинг кучли газабланиш тўлқинини мумкин қадар тезроқ бостириш мақсадида ошғич чоралар кўрмоқда. Агентликларнинг хабарларида шу нарса кўрсатиб ўтиладики, жумладан ҳукумат НАТО қуролли кучлари составига кирган Бельгия қўшинларининг тобора янгидан-янги қисмларини Ғарбий Германиядан Бельгияга келтирмоқда. Мамлакатда ҳозироқ Ғарбий Германиядан чақириб олинган солдат ва офицерлардан 3 минг киши бор. Эйскенс ҳукумати қўшинлардан тўё «ҳаётий муҳим иншоотлар ва коммуникацияларни ҳимоя қилмоқ учун» фойдаланишини таъкидламоқда.

Эйскенс ҳукумати полицияга янги инструктажлар берди. Агентликларнинг хабар қилишларича, полицияга забастовкани бостиришда «кўпроқ қатъият кўрсатиш» ҳақида буйруқ берилган.

Бельгия умуммеҳнат федерацияси раҳбарлиги тўла галаба қилгунча забастовка курашини давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилди. «Валлонияда ҳам, Фландрияда ҳам кураш давом этмоқда, — деди федерация, — маъмурлар қаттиқ жазо чораларини қўллаб мақдалар. Бунинг учун жавобгарлик ҳукумат устига тушади. Бельгия умуммеҳнат федерацияси забастовка ҳаракатининг ҳамма қатнашчиларини игвогарликка берилмасликка даъват этди».

МОНСДАГИ ВОҚЕАЛАР

АҚШ ЛАОСДАГИ ИСЁНЧИЛАРНИ ҲАЛИ ҲАМ ҚУРОЛЛАНТИРМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 11 январь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Вьентьяндан хабар беришича, кеча АҚШ дан Вьентьянга 4 разведкачи самолёт ва номаълум миқдорда вертолётлар келган.

Мухбирнинг таъкидлаб ёзишича, пулемётлар билан қуролланган разведкачи самолётлардан король пойтахти Луан-Прабанга таҳдид қилаётган Патет-Лао ва капитан Конг Ле қисмларини қидириб топиш учун фойдаланилади. Ҳозирги вақтда вертолётларда исёнчи қўшинларнинг олдинги қисмлари учун озиқ-овқат, ёнилғи ва ўқ-дори ташилмоқда.

ИСПАНИЯ МАРОКАШИДА АҲВОЛ КЕСКИНЛАШДИ

ПАРИЖ, 11 январь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Мадриддан хабар беришича, кейинги кунларда Сеут ва Мелилда (Испания Марокаши) аҳвол кескинлашганлиги бу ерда маълум бўлиб қолган. Мадад тариқасида Испаниядан ана шу шаҳарларга 10 минг солдат келган.

Мустамлакачи маъмурлар бу шаҳарларда марокашликлардан 100 га яқин кишини қамоққа олганлар.

ЖАЗОИР РАД ҚИЛМОҚДА

ПАРИЖ, 9 январь. (ТАСС). Жазоир шаҳри аҳолиси де Голлнинг Жазоирни бошқариш тўғрисидаги қонунини рад қилди. Франс Пресс агентлигининг хабар қилишича, овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 72,2 процента референдумда рад жавобини берган. Де Голль сиёсатини ёқлаб шаҳардаги сайловчиларнинг атиги 27,8 процентигина овоз берган.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИ ДОИМИЙ БЮРОСИНИНГ СЕССИЯСИ

КОЛОМБО, 10 январь. (ТАСС). 3 январдан 10 январгача бу ерда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Доимий бюросининг сессияси бўлиб ўтди. Сессия Доимий бюронинг фаолиятини, шунингдек Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 1958 йилда Тошкентда бўлиб ўтган конференциясидан кейин Африка ва Осиёдаги умумий аҳвол тўғрисидаги ҳамда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 2-конференциясини ўтказиш тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилди.

Сессия тамом бўлгандан кейин эълон қилинган ахборотда ҳозирги халқаро вазиятга характеристика берилади.

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Доимий бюроси Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 1961 йилнинг иккинчи ярмида Қоҳирада ўтказиладиган 2-конференциясига тайёргарлик кўрувчи Халқаро комитет тузиш ҳақида қарор қабул қилди. 1961 йил март ойнинг охирида Токиода Африка ва Осиё мамлакатлари ёзувчиларининг ваколатли кенгашини чақириш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди.

Италия. Милан шаҳрида иш ташлаган бир неча минг электромеханик яқинида ўз оилалари билан шаҳардаги майдонларнинг бирига митингга тўпландилар. Улар иш ҳақининг ниҳоятда пастлигига қарши норозилик билдирдилар. СУРАТДА: иш ташловчилар митинги. Публифото агентлигининг фотоси.

Соня Шукурова Самарқанддаги «Кинап» заводида ишлайди. У ўзининг фидокорона меҳнати билан ҳаммага намуна бўлиб ишламоқда. Ўртоқ Шукурова ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Самарқанд давлат университетининг физика-математика факультетида ўқиётир. Унинг ўқишидаги кўрсаткичлари ҳам аъло. СУРАТДА: Соня ШУКУРОВА (юқорида) станок ёнида ва университетда (пастда).

И. Гильдин фотоси.

МАКТАБ ҚУҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

Оҳангарондаги 8-ўрта мактабда қўғирчоқ театри ташкил этилди. Театр дастлабки спектакларни мактабдагина эмас, балки «Строитель» клуби саҳнасида ҳам кўрсатди. Мактабни оталикка олган тўртинчи темир-бетон буюмлар заводининг ишчилари ёш ҳаваскорларни қизғин кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

«ЎЗБЕКИСТОН» ЛИМОНИ

Самарқанд районидаги Сталин номли колхоз боғбонлари 1948 йилда 8 туп ёш лимон ниҳоли ўтказган эдилар. Лимонлар яхши парваришқилингани туфайли йилдан-йилга кўпайиб, 117 тупга етди. Улардан 70 тупи ҳосилга кирди.

Колхоз аввалги йилда 8 минг дона лимон олиб, 35 минг сўмга яқин даромад қилган эди. Ўтган йил охирида «Ўзбекистон» навли бу лимонлардан янада кўпроқ ҳосил етиштирилди. Лимонларнинг оғирлиги 100 граммдан 250 граммгача келади. Ҳозир лимонлар колхоз дўконларида сотилмоқда.

Лимонлардан мўл ҳосил етиштиришда Асрор ва Сайфи Тожиевлар катта ҳисса қўшидилар. Улар колхоз лимонзорини янада кенгайтириш чораларини кўряптилар.

Р. ҚУРБОНОВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

«ТЕЗ ЁРДАМ»ГА ЁРДАМ КЕРАК

Қораабдал қишлоғи Фориш район марказидан 70-80 километр узоқликда, тоғ оралиғига жойлашган. Бу ерда ўн мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Қишлоқда 45 ўринли учта касалхона бор. Лекин Қораабдал участкасидаги касалхоналарнинг биронтасида ҳам «тез ёрдам» машинаси йўқ.

Тўғри, район марказидаги касалхонада битта «тез ёрдам» машинаси бор. Лекин у узоқ участкаларга хизмат қилиб улгурмаяпти. Натижада беморларга тезлик билан медицина ёрдами кўрсатиш қийинлашяпти. Район соғлиқни сақлаш бўлими эса бундай аҳволни яхшилашга эътибор бермаяпти.

М. УТАМУРОДОВ.

КАСАЛХОНАДА ТАРТИБ ЎРНАТИЛСИН!

Беруний район, Бетбозор участкасидаги касалхона яхши ишламаяпти. Касалхона бош врачи ўртоқ Ражаббоев беморлар билан қўпол муомала қилади. Беморларга ўз вақтида дори-дармон берилмайди, касалхонанинг кийим, тўшаклари ўз вақтида дезинфекция қилинмайди. Дезинфектор Давлат Болтаев ўз ишига масъулиятсизлик билан қарайди.

Район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири ўртоқ Диналиев касалхонадаги тартибсизликлардан хабардор бўлатуриб лом-мим демайди.

Ж. ҚУРБОНБОЕВ.

НЕГА ТЕЛЕФОН ЙЎҚ?

Тошкентнинг Чигатой кўчасига жойлашган 10-амбулатория ва 3-болалар консультацияси 25 мингдан ортиқ аҳолига медицина хизмати кўрсатади. Лекин шундай йирик даволаш муассасасида телефон йўқ. Даволаш муассасасида учун телефон қанчалик зарурлиги ҳаммага маълум. Лекин, Тошкент телефон станциясининг абонемент хизмати бўлими амбулаториягa телефон ўрнатиш ҳақидаги илтимосимизни ҳамон рад қилиб келяпти.

Ж. ФАЙЗИЕВ,
10-амбулатория мудири.

«ДАРБАДАР» МЕДПУНКТ

Бекобод районидаги «Чанақ» совхозининг 2-бўлимида жойлашган медпунктни «дарбадар» медпункт дейишади. Чунки бир йилдан ортиқ вақт ичида медпункт бир неча марта у ердан бу ерга кўчирилди. Ҳозир эса совхоз ишчиларидан бирининг уйидаги кичик хонага жойлашган.

Медпунктнинг томидан чакка ўтади, эшиги омонатгина. Хуллас, бу ерда меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатиш учун шароит йўқ.

Совхоз раҳбарлари, айниқса бўлим бошлиғи ўртоқ Т. Файзиев бу аҳволга тегишинча баҳо бермаяптилар.

Г. САИДОВ,
медпункт мудири.

«АГИТАТОР БЛОКНОТИ»НИНГ ЯНГИ СОНИ

«Агитатор блокноти» журналининг 1961 йил январь ойидаги иккинчи сони босмадан чиқди ва обуначиларга тарқатилмоқда.

Журналда Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси тўғрисида суҳбат учун материал, газ қувури қурилиши бошлиғи Ф. Боруттонинг «Тошкентга табиий газ келди» сарлавҳали мақоласи, агитация ишлари тажрибаси ва қишлоқ хўжалиги илғорлари тажрибаси ҳақидаги ва бошқа мақолалар босилган.

ХОДИСА

Юлғичлар қўлга тушди

Кунларнинг бирида Хўжайли гўшт комбинатига Амударё район колхозлараро бўрдоқи пунктидан 200 бош қорамол ҳайдаб келишди. Молларни расмийлаштириш учун келган пункт мудири К. Суюнканов ва ходим М. Оллаберганович комбинат директори Соат Расулев, цех мудири Ҳамроқул Зокиров ва склад мудири Жумамурот Коптлеववлар илиқ кутиб олдилар.

— Қани марҳамат, келсинлар!

— Мол олиб келган эдик.

— Қанча?

— Икки юз бош.

— Икки юз йигирма беш денг.

— Йўғе, аниқ икки юз. Ўзимиз санаганмиз...

— Биргалашиб санасак, айтганимиз чиқаверади-да...

«Оғайнилар» кўз қисишди, қўл уришди. «225 бош мол топширилди» деб қўл қўйиб муҳр босилган ҳужжат тахт бўлди. Гойибдан қўшилган 25 бош мол учун нақд тўланган пул ўртада тақсим қилинди. Осонгина қўлга киритилаётган мўмай пуллар бу инсофсизларни оч кўз қилиб қўйди. Орадан кўп вақт ўтмай, улар «21 от комбинатга қабул қилинди» деб яна қалбаки ҳужжат тузадилар. Аммо юлғичлар бу гал тузоққа илиндилар.

Натижа шу бўлдики, комбинат директори Соат Расулев ишдан олинди, қолганлари жиноий жавобгарликка тортилдилар.

С. САЛОЕВ.

СПОРТ

ҚУЛ ТУПИ

Спортнинг қўл тупи деган тури Ўзбекистонда яқиндагина тарғиб этиладиган бўлди. Шунга қарамай, бу тур ўзига хос қизиқиш туғдирмоқда. Пойтахтнинг яқинда бўлиб ўтган қишки биринчилиги бу турнинг оммалашиб кетишидан далолат берди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг спорт майдонида ўтказилган мусобақанинг финалида физкультура ва ирригация институтларининг биринчи командалари ўзаро учрашдилар. Ўйинни 14:12 ҳисоби билан жисмоний тарбия ўқитувчилари ютдилар.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

12 ЯНВАРДА

19.00 — **Ҳужжатли фильм** (мактаб ўқувчилари учун). 19.25 — **Етти йиллик илғорлари** (ёшлар учун рус тилида). 19.45 — **Сўнгги ахборот.** 20.05 — **Врач суҳбати** (ўзбек тилида). 20.15—Ҳужжатли фильмлар. 20.55.— **«Қувноқ қаҳрамонлар»** номли бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—12/I да **Чио-Чио-Сан**, 13/I да **Орзу.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/I да **Холисхон**, 13/I да **Бой ила хизматчи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА —12/I да **Паранжи сирлари** («Холисхон»). 13/I да **Муқимий.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 15/I да мактаб музика абонементи бўйича 7,8,9,10, 11-синфлар учун **суҳбатли концертлар.** Кундуз соат 1 яримда ўзбек тилида: **«Ўзбекистон композиторлари ижодида ёшлар»** деган темада. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Кундуз Миргаримова ва Коммуна Исмоилова** қатнашади, кундуз соат 4 да рус тилида: **«Камер музикаси нима»**, деган темада.

КИНО

Шовқин-суронли кун — «ВАТАН», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Олекса Довбуш — СОБИР РАҲИМОВ номли НАВОИЙ номли, «ЕШ ГВАРДИЯ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Тириллиш (1-серия) — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Бировнинг ташвиши — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 4 ва кеч 8 да).

Ғолиб (кундуз соат 12 ва 2 да).

Ёмғир (эрталаб 11, кундуз 1 ва 3 да) — «ДРУЖБА».

Сепли туй — «МИР» (кеч соат 6 ва 10 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
12, 13 январда
ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Ансамблдан: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Мехри Абдуллаева Дилором Шерова**, солистлар **Холисхон Қодирова, Мансура Мўминова, Равшан Мўминова, Роҳат Маннонова, Анбар Мўминов, Тоштемир Шарипов, Сайфиддин Йўлдошев, Болта Шарипов**, филармониядан: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Кундуз Миргаримова, Эргаш Шукруллаев, Карим Алиев**, Жаҳон ёшлар фестивали лауреати **Фозил Харротов**, солистлар **Ғафур Азимов, Раббим Ҳамдамов, Ғафур Иноғомовлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
12 январдан
РСФСРда хизмат кўрсатган артист

Ю. ДУРОВ

гастролининг давоми

(Ўрғатган ҳайвонлари билан)

Ўзбек чавандозлари — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Лола Ҳўжаева** ва **Анвар Ҳўжаев.** Томошалар давомида артист акаука **Ширманлар** қатнашади.

Томоша кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

1961 йил 23 январь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Биология фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Куйбишев кўчаси, 15-уй, Фанлар академияси президиумининг конференц-зали)

Г. И. Аболина

биология фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Марказий Қозоғистон (Қарағанда области) шароитида бугдойнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари ҳамда унинг физиологик турғунлиги» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг **УСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИ**

вакант лаборатория мудирлари ва старший илмий ходимлар вазифасида ишлаш учун

эълон қилинган

ҚОНКУРС МУДДАТИНИ

1961 йил 1 февралгача давом эттиради.

Қатортол кўча, 21/7-уйда турувчи **Рашид Маҳсумовнинг** Қатортол кўча, 33-уйда турувчи Хумайра Муродхўжаевна Тошхўжаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 6-участка халқ судида кўрилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, *«Правда Востока»* кўчаси 26 уй

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: партия турмуши — 33469. Пропаганда — 33469. Саноат ва транспорт — 29-005. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 31226. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р. 00432. Нашр. А. 10.